**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Навоий педагогика коллежи директори**

**танлов комиссияси раиси**

**_______________ Д.Хамроевга**

**«15» 06 2022 йил**

Навоий педагогика коллежи ўқув биносини жорий таъмирлаш ва жихозлаш ишлари объекти бўйича

# *ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ*

# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ:


**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## 1.ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. Танлов предмети ва қиймати .

1.1. Танлов предмети Навоий Педагогика коллежи ётоқхона биносини жорий тамирлаш ишларини бажариш

1.2. Танлов охирги қиймати 389 301 931 сўм (Уч юз саксон тўққиз миллион уч юз бир минг тўққиз юз ўттиз бир сўм.) Ушбу қийматдан ортиқ маблағлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилади.

1.3. Бажариладиган

1.4. Ишларни бажариш муддати шартома имзоланган кунидан бошлаб 5 кун

1.5. Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Навоий Педагогика Коллежи (бундан кейин Буюртмачи деб аталади) Танлов ташкилотчиси хисобланади.

2.2 Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов “Навоий Педагогика Коллежи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда , белгиланган муддатларда ўтказилади

### 3 ТАНЛОВИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатьий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага ега бўлган барча юридик мақомга ега бўлган ташкилотлар иштирок етиши мумкин.

3.2Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий ва ваколатлар;

Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўгрисидаги маьлумотлар;

Танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50фоиздан кам бўлмаган холдв):

Низом маблаги миқдори;

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка буноан лицензиялаштирилиши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсад етилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди. Қайта ташкил этилган (ажратилиши қўшилиши) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар , хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

## 4 ТАНЛОВДВ ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталига электирон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифтлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар,маьлумотлар”Буюртмачи”ва “Иштирокчи”ихтиёрига кура Ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

-Техник қисм “Буюртмачи”томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

-нархлар қисми танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифтларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухир билан тасдикланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4.қуйидаги хужжатлар тулиқ холда булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича қуйидаги таклифтлар:

-техник таклиф,фирминний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

-техник хужжатлар рўйхати (брошюралар,технк паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

-нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниш лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маьлумотларнинг хаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга

## 5 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭЕИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ

5.1.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2.Танлов муддатиниузайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахбарот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат хариддлари тугрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссяси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғўлиб иштиркчидеб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифтлар бериш муддати туғайдиган санадан камида уч кун шлдин қарор қабул қилишга хақли. Таварни ўзгартиришга йул қойилмайди. Бунда ушбу танловдв таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужатларига узгартиришлар киритилган санадан эьтиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда,агар эьлонда курсатилган ахбарот узгартирилган булса,танлов ўтказиш тўғрисидаги эьлонга узгартиришлар киритиладию

7.2.Танлов иштирокчиси танлов хужжадлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эьлонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эьтиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса,ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларниг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аьзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эьтиборан уч иш куни ичида махсус ахбарот порталида эьлон қилинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш баённомаси эьлон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли.Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эьтиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушутиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифлар кўрсатилган шартлар асосида тузилади